

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди  
№ БД-5230600-3.18  
2012 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта махсус таълим  
вазирининг 2012 йил 14 мартдаги  
107– сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.



*Слодиев*

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100000	–	Гуманитар соҳа;
	110000	-	Педагогика;
	200 000	-	Ижтимоий соҳа, иктисод ва ҳуқук.
Таълим соҳаси:	230000	–	Иктисод.
Таълим йўналишлари:	5111000	–	Касб таълими (5230600-Молия), (5230700-Банк иши), (5230900- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит), (5231200-Сугурта иши);
	5230600	–	Молия;
	5230700	–	Банк иши;
	5230800	–	Солиқлар ва солиққа тортиш;
	5230900	–	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
	5231300	–	Пенсия иши;
	5231500	–	Баҳолаш иши.

Тошкент – 2012

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2012 йил 6 мартдаги 1 -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институтда ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

- Каримова З.Х. – ТМИ, “Ғазначилик иши” кафедраси мудир, и.ф.н., доц.  
Нурмухамедова Б.И. – ТМИ, “Ғазначилик иши” кафедраси катта ўқитувчиси  
Ҳамдамов Ш.К. – ТМИ, “Ғазначилик иши” кафедраси катта ўқитувчиси

**Такризчилар:**

- Тошматов Ш. – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, “Молия” кафедраси мудир, и.ф.д. (турдош ОТМ)  
Мансуров Ш. – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари (кадрлар буюртмачиси)

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва тавсия қилинган  
(2011 йил 26 октябрь 2-сонли баённома)

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида давлат молияси тизимида чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Умумдавлат молия тизимининг бош бўғини - давлат бюджети, бюджет жараёни, хусусан бюджет ижросида қасбали тизимдан жаҳон амалиётида синалган ва ўзининг ижобий натижаларини берган давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтиш амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи-назардан таъкидлаш жоизки, ушбу тизимга хизмат қилувчи муайян билим ва кўникмага эга мутахассис кадрларни тайёрлаш давр талабидир.

### **Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари**

“Ғазначилик” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларга давлат бюджетининг ғазна ижроси ҳақида назарий билимлар бериш, уларда мамлакатда амалга оширилаётган институционал ислохотларнинг бугунги босқичида давлат молия тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва ғазначилик тизимида фаолият юритиш бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур фан ўз предметини ўрганиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- ғазначилик фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- давлат бюджети ғазна ижросининг амал қилиш асосларини ўрганиш;
- ғазначилик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий асосларини ўрганиш;
- давлат бюджети даромадларини ғазначилик тизими орқали шакллантириш ва унинг манбаларини ўрганиш;
- давлат бюджети харажатларини ғазначилик тизими орқали ижро этиш ва таркибини ўрганиш;
- ғазначилик органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни амалга ошириш ва ташкил этиш асосларини ўрганиш;
- иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида давлат бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ва ундан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган бюджет ижросининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ҳ.к.

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар ғазначилик ва ғазначилик органлари фаолиятини ташкил этиш назарияси ва амалиётига оид билимга, уқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий ва умумиқтисодий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда, ғазначилик фаолиятига оид қонунчилик борасидаги янгиликлардан, мамлакатда ғазначилик органлари фаолияти амалиётидаги ва хорижий давлатлар ғазначилик тизими амалиётидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Ғазначилик” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти, зарурлиги, белгилари ва функциялари;
- ғазначилик фаолиятининг мазмуни, вазифалари, ривожланиш босқичлари;
- ғазначилик тизимини бошқариш ва тартибга солиш асослари;
- хорижий мамлакатлар давлат бюджети ғазна ижросининг ҳолати;
- давлат бюджети ғазна ижроси шароитида бюджет даромадларининг шаклланиш манбалари ва ишлатиш йўналишлари;
- ғазначилик тизими шароитида республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги бюджетлараро муносабатларнинг шакллари;
- ғазначилик тизимида бюджет муносабатларини ташкил этиш шакллари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- ғазначилик фаолиятининг ривожланиш қонуниятларини;

- ғазначилик шароитида давлат бюджети ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиётини;
- ғазначилик тизимида бюджет истикболини белгилаш асосларини;
- ғазначилик тизимида бюджет жараёнининг ташкил этилиши ва ўзига хос хусусиятларини;
- ғазначилик тизимида республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасидаги яхлитлик ҳамда ваколатлар тақсимотидаги тафовутларни;
- марказий ва ҳудудий ғазначилик органларининг ваколатлари ва ҳудудлар молиявий-инвестицион фаолияти асосларини;
- Ўзбекистон Республикасининг ғазначилик фаолияти қонунчилиги асосларини;
- ғазначилик фаолияти ривожланиш стратегияси ва тактикасини;
- давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этиш тамойилларини *билиши ва улардан фойдалана олиши лозим:*
- ғазначилик тизими шароитида бюджет ижроси яқунларини таҳлил этиш бўйича;
- ғазначилик органлари фаолиятини ташкил этиш ва натижаларини баҳолаш бўйича;
- ғазначилик тизими ва ғазначилик фаолиятининг ҳозирги замон ҳолати ва ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш бўйича;
- ғазначилик тизимида бюджет назоратини ташкил этиш бўйича;
- ғазначилик тизимида бюджет маблағлари истеъмолчилари мажбуриятларини бажариш бўйича;
- ғазначилик тизимида шароитида бюджет бўғинлари фаолиятини тартибга солиш бўйича;
- ғазначилик хизмати фаолиятини ташкил этиш бўйича;
- давлат бюджетининг ғазна ижроси юзасидан ҳисоботларни тузиш ва таҳлил этиш бўйича;
- давлат бюджетининг ғазна ижроси яқунларини ҳисоб-китоб қилиш бўйича;
- ғазначилик тизимида бюджетдан маблағлар олувчилар молиявий режаларини ишлаб чиқиш, бюджет меъёрларини қўллаш, режаларнинг тўғрилигини текшириш бўйича;
- ғазначилик тизими органлари фаолиятида замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича;
- ғазначилик амалиётига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш бўйича;
- ғазначилик тизими ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мақсадида илмий тадқиқотларни ўтказиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак;
- ғазначилик тизимида бюджет ресурсларини бошқаришнинг асосий усулларини, бюджетлар бўғинларида молиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари;
- макродаражада ва ҳудудлар миқёсида ғазначилик органлари фаолиятининг амал қилиши;
- ғазначилик фаолиятининг ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ғазначилик шароитида бюджет маблағларини инвестиция қилиш тамойиллари;
- ғазначилик тизими шароитида ўрта муддатли бюджетни тузиш асослари;
- ғазначилик шароитида бюджет даромадларини шакллантириш ва харажатларни оптималлаштиришнинг концептуал асослари;
- ғазначилик тизими шароитида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ишлатилишини ташкил этиш асослари;
- ғазначилик тизими шароитида молиявий барқарорликни таъминлаш усуллари;
- ғазначилик тизимида бюджет бўғинлари фаолиятини тартибга солиш услублари;
- ғазначилик шароитида турли даражадаги бюджетларни шакллантириш ва тақсимлашнинг оптимал моделининг қурилиши юзасидан тегишли *малакаларга эга бўлиши керак.*

## **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Ғазначилик” фани асосий ихтисослик фани бўлиб ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий фанлар (олий математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, математик программалаштириш, информатика ва ахборот технологиялар, иқтисодий география ва экология), умумқасбий фанлар (иқтисодий таълимотлар тарихи, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, менежмент ва маркетинг асослари, миллий ва жаҳон иқтисодиёти, молиявий ва бошқарув ҳисоби, аудит, молиявий ва бошқарув таҳлили, статистика, молиявий менежмент, пул, кредит ва банклар, солиқ ва солиққа тортиш, суғурта иши, молия бозори ва қимматли қоғозлар, инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш) ва ихтисослик (молия, давлат бюджети, ғазначилик тизимида назорат) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Бюджет жараёнининг асосий босқичи бўлган бюджет ижроси давлат пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун хизмат қилади. Давлатнинг функция ва вазифалари ижросини маблағ билан таъминлашда бюджет даромадлар қисмини тўлиқ ва ўз вақтида шакллантириш, шакллантирилган пул фондидан самарали фойдаланишга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун бюджет ижросига алоҳида эътибор қаратилади. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат молия тизимидаги ислохотлар, яъни давлат бюджети ғазна ижросининг жорий этилиши бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Ғазначилик” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфорацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза, амалий машғулот дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади. Шунингдек, фанни ўзлаштириш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда бюджет ижросининг амалга оширилиши жараёни билан боғлиқ компьютер дастурлари билан танишадилар. Фаннинг баъзи мавзуларини ёритишда аудио ва видео техникадан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **“Ғазначилик” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари**

“Ғазначилик” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Ғазначиликнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг давлат бюджети ижросини таъминлашдаги иштироки.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,6,9,12,13,14**

### **Давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти ва аҳамияти**

Давлат бюджети ғазна ижроси. Давлат бюджети ғазна ижросини жорий этишнинг зарурияти ва шарт-шароитлари. Ғазначиликнинг бюджет ижросини таъминлашдаги аҳамияти ва вазифалари. Ғазначилик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари. Ғазначилик фаолиятини ташкил этишда давлатнинг иштироки. Ғазначилик ягона ҳисобрақамининг ташкил этилиши ва юритилиши. Ғазначилик бош китоби. Худудий ғазначилик органлари.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,6,9,12,13,14**

### **Ғазначилик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг тузилиши. Ғазначиликнинг асосий вазифалари, бўлинмаларининг функционал вазифалари. Ғазначиликнинг давлат бошқарув ва ижроия органлари билан муносабатларини ташкил этиш. Ғазначиликни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли қарори, мазмуни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли “Давлат бюджети ғазна ижроси тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Молия вазирлиги Ғазначилиги тўғрисидаги Низом, мазмуни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижроси Қоидалари.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,6,7,10,12,13,14**

### **Ғазначилик фаолиятининг хориж тажрибалари**

Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажриблари. АҚШ Ғазначилик департаменти фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Япония ғазначилик бўлими фаолияти. Францияда ғазначилик фаолияти хусусиятлари. Австралия ғазначилик департаменти фаолияти. Россия Молия вазирлиги ғазначилиги фаолияти хусусиятлари. Қозғистон Республикасида ғазначилик фаолиятининг ташкил этилиши.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,8,9,10,12,13,14**

### **Ғазначилик ягона ғазна ҳисобрақамини юритиш**

Республика бюджетининг ғазна ижроси билан камраб олинган бюджетдан маблағ олувчиларнинг касса харажатларини амалга ошириш тартиби. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари (ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун тўловлари, ота-оналарнинг мусиқа ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, мактабгача таълим муассасалари ишчиларидан овқатланиш учун тушган тушумлар, шунингдек ижтимоий таъминот органларидан бюджет ташкилоти ходимларига пенсия ва ижтимоий нафақа тўлаш учун тушган маблағлар) ўрнатилган тартибда ғазна ҳисобрақамларига кирим қилиниши.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,8,12,13,14**

### **Ғазначиликда бюджет ташкилотлари харажат сметаларини ва уларга киритиладиган ўзгаришларни рўйхатга олиш**

Харажатлар сметаси ҳақида тушунча. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Харажатлар сметасини кўриб чиқиш тартиби. Ходимларни тарификациялаш ва тарификация рўйхатини тасдиқлаш тартиби. Ғазначилик тизимида бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига ўзгартириш тартиби. Сметага ўзгартиришларнинг Ғазначиликда рўйхатга олиниши. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш ҳамда унга ўзгартириш киритишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,6,7,8,9,12,13,14**

### **Ғазначиликда юридик мажбуриятлар ва уларни рўйхатга олиш**

Хўжалик шартномалари ва уларнинг хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг аҳамияти. Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий тамойиллари. Ғазначиликда мажбурият тушунчаси. Мажбуриятларнинг турлари. Юридик мажбурият, ғазначиликда юридик мажбуриятларни рўйхатга олишнинг умумий қоидалари. III- ва IV-харажатлар гуруҳлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олишнинг хусусиятлари.

Ғазначиликнинг юридик мажбуриятларни рўйхатга олишдаги мажбуриятлари. Ғазначиликда юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,8,12,13,14**

#### **Ғазначиликда нархлар мониторинги**

Нархлар мониторинги тушунчаси. Шартномаларни рўйхатга олишда нархлар мониторингининг зарурлиги ва аҳамияти. Ғазначилик органлари томонидан товар етказиб берувчилар таклиф этган нархлар билан муқобил нархларни солиштириш механизми. Нарх мониторингини ўтказишда товар хом-ашё биржалари маълумотларидан фойдаланиш. Тендерларни ўтказиш тартиби. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда тижорат таклифи ва унинг нарх мониторингини ташкил этишдаги аҳамияти. Тендер ўтказиш тамойиллари. Тендерларни ўтказишда ошкораликни таъминлаш. Қарорларни қабул қилишнинг объективлиги. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари мониторинги. Нархлар мониторингини ўтказиш механизмини такомиллаштириш.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,8,9,12,13,14**

#### **Ғазначиликда молиявий мажбуриятлар**

Молиявий мажбурият тушунчаси, мазмуни, Ғазначиликда уни рўйхатга олишнинг зарурлиги. Молиявий мажбуриятни рўйхатга олишда зарур ҳужжатлар. Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш учун ариза. Мол етказиб берилганлиги, иш бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар. Счет-фактура. Иш ҳақи қайдномалари. Қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларининг назорат қилиниши. Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,8,9,13,14**

#### **Ғазначиликда тўловларни амалга ошириш**

Ғазначиликда тўловларни амалга ошириш ҳақида тушунча. Молиявий мажбуриятларнинг тўловларга қабул қилиниши. Тўлов аризаси. Харажатларни амалга оширишга рухсат. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби. Чеклар тўғрисида тушунча. Ғазначиликда чеклар бўйича нақд пул олиш қоидалари. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар. Ғазначиликда бюджет ҳисобини юритиш. Ғазначиликда тўловларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш масалалари

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,4,5,8,9,12,13,14**

#### **Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижросини ташкил қилиш**

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳақида тушунча. Бюджет ташкилотларини Ривожланиш жамғармасининг шаклланиши ва ишлатилиши. Бюджет ташкилотларининг пуллик хизматлардан тушган маблағлари. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни ижрага беришдан олинган даромадлар. Ота-оналар тўловлари. Ҳомийлик маблағлари. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бюджет ташкилотларининг кредиторлик қарзларини тўлаш. Бюджет ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилашда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ходимларни моддий рағбатлантириш. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижросини ташкил қилиш.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,6,7,8,9,12,13,14**

#### **Ғазначиликда давлат кафолатларини таъминлаш**

Давлат кафолатларининг моҳияти, таркиби ва омиллари. Ҳозирги замон иқтисодиётида давлат кафолатларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишлари. Давлат кафолатларининг таркиби ва хусусиятлари. Давлат бюджети тақчиллигининг моҳияти, асосий омиллари ва шакллари. Давлат кафолатларини таъминлаш тизимида бюджет тақчиллигини

бошқаришнинг аҳамияти ва вазифалари. Ғазначилик шароитида давлат кафолатларини самарали таъминлаш. Ғазначилик шароитида давлат кафолатларини таъминлашни яхшилаш муаммолари ва ечимлари.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,6,7,8,9,12,13,14**

#### **Бюджет даромадларининг ғазна ижросини ташкил этиш**

Бюджет даромадларининг моҳияти, таркиби ва тузилиши. Ғазначиликда бюджетга тўловлар тушумини ташкил этиш ҳолати. Ғазначиликда бюджет даромадлари тушумлари ҳисобининг юритилиши. Давлат Солиқ қўмитасининг даромадлар тушумлари тўлови юзасидан ваколатлари. Ғазначиликда бюджет даромадлари тушумини ташкил этишдаги мавжуд муаммолар ва улар ечимлари. Ғазначиликда давлат бюджети даромадларини шакллантириш юзасидан хорижий тажриба.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,6,7,8,9,12,13,14**

#### **Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа нобюджет фондлар ғазна ижроси**

Давлат мақсадли фондлари тўғрисида тушунча, уларнинг гуруҳланиши. Давлат мақсадли фондлари ижросининг ғазначилик орқали ташкил этилиши. Давлат мақсадли фондлари маблағларининг Ягона ғазна ҳисобрақамида юритилиши ҳолати. Давлат мақсадли фондлари даромадлари тушумини ташкил этиш ҳолати. Ғазначиликда давлат мақсадли фондлари харажатлари тўловини амалга ошириш тартиби. Ривожланган мамлакатларнинг давлат мақсадли фондларининг ғазначиликда ижроси юзасидан тажрибалари.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,6,7,8,9,12,13,14**

#### **Ғазначиликда давлат харидини ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикасида давлат хариди тизимини ислоҳ этиш. Харид жараёнларини очиқ-ойдинлигини таъминлаш, харидни амалга оширишда тендер жараёнларидан фойдаланиш йўналишлари. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш. Давлат харидларини амалга оширишда ғазначилик тизимининг ўрни. Давлат хариди тизимини ислоҳ этишга комплекс ёндашув. Давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмнинг самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон Республикасида Давлат харидларини амалга ошириш жараёнининг механизмларини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,8,9,12,13,14**

#### **Ғазначиликнинг ягона ахборот тизими**

Ғазначиликда ахборот тизимининг моҳияти, зарурлиги ва вазифалари. Давлат бюджети ғазна ижросини ташкил этишда замонавий компьютар технологиялари ва замонавий алоқа тизимларидан фойдаланиш. Давлат молиясини бошқаришда ахборот тизими. ДМБАТ тизимининг ишлаш принциплари. Бюджет ташкилотлари харажатлар тўловини амалга оширишда АСБОдан фойдаланиш. Ғазначилик ахборот тизимларининг такомиллашуви. Ғазначиликда ахборот тизимидан фойдаланиш юзасидан хориж тажрибалари.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,8,9,12,13,14**

#### **Ўзбекистонда ғазначилик тизими тараққиёти истиқболлари**

Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими шаклланиши босқичлари ва вазифалари. Ғазначиликнинг институционал таркибидаги ислоҳотлар. Ғазначилик амалиётида Ўзбекистон Республикаси учун асос бўлган халқаро тажриба ва жаҳон андозалари. Ғазначилик тизимининг ривожланиш стратегияси ва тактик вазифалари. Замонавий шароитда давлат молиясини самарали бошқариш, давлат молиявий хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ғазначилик



органлари вазифалари. Давлат бюджетининг ўрта муддатли истиқболлини белгилаш амалиётига ўтиш шароитида ғазначилик тараққиёти истиқболлари.

**Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5,8,9,12,13,14**

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Давлат бюджети ғазна ижросининг моҳияти ва аҳамияти. Ғазначилик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Ғазначилик фаолиятининг хориж тажрибалари. Ғазначилик ягона ғазна ҳисобрақамини юритиш. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари харажат сметаларини ва уларга киритиладиган ўзгаришларни рўйхатга олиш. Ғазначиликда юридик мажбуриятлар ва уларни рўйхатга олиш. Ғазначиликда нархлар мониторинги. Ғазначиликда молиявий мажбуриятлар. Ғазначиликда тўловларни амалга ошириш. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижросини ташкил қилиш. Ғазначиликда давлат кафолатларини таъминлаш. Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа нобюджет фондлар ғазна ижроси. Ғазначиликда давлат харидини ташкил этиш. Ғазначиликнинг ягона ахборот тизими. Ўзбекистонда ғазначилик тизими тараққиёти истиқболлари.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим талабалар учун мажбурий ўқув машғулоти ҳисобланади ва режали хусусиятга эга. Мустақил таълимнинг мавзулари талабалар учун мустақил ўрганишлари шарт бўлган маърузалар ва амалий машғулотлардан ташкил топган. У талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, ўқитилаётган ва ўтилган мавзуларни кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишга ҳамда дунёқарашини янада кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, мустақил таълимга мўлжалланган топшириқлар маърузалар мавзулари, амалий, битирув малакавий ишларини ёзишга тайёргарлик кўришга қаратилган. Бундан ташқари, талабалар айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштиришлари натижасида, реферат ёки илмий мақолалар тайёрлашлари мумкин ҳамда илмий амалий конференцияларда илмий маърузалар қилишлари мумкин.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли бўлиб, қўйидагилар ҳисобланади: маълумотларни жадвалларда акс эттириш, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш, графикларда акс эттириш, слайдлар кўринишида белгилаш, кўрғазмали қуролларда акс эттириш ва бошқалар.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни бажариладиган мавзулар бўйича саволномалар тузиш, қўйилган саволларга кенг адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзма тарзда жавоб бериш, қонун, қарор, меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш, ҳар бир мавзу бўйича муаммоли масалаларни ҳал қилиш йўллари баён қилиш, тавсиялар бериш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш.

### **Тавсия этилаётган мустақил таълимнинг мавзулари рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ғазна ижроси жорий этилишини фаоллаштириш
2. Ўзбекистон Республикасида бюджет ғазна ижроси тартибга солиниши
3. Ғазначиликда юридик мажбуриятларни рўйхатга олишни такомиллаштириш
4. Ғазначилик тизими шароитида давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва ишлатилишини такомиллаштириш
5. Ғазначилик шароитида давлат кафолатларини таъминлашни яхшилаш
6. Ғазначилик тизимида тўловларни амалга ошириш тартибини оптималлаштириш
7. Ғазначиликда нархлар мониторинги олиб борилишини такомиллаштириш
8. Ғазначиликда бюджет ташкилотлари сметаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини автоматлаштириш

9. Ғазначилик операцияларининг назоратини амалга ошириш тартиби
10. Ривожланган мамлакатларда давлат бюджети ғазна ижросининг ўзига хос хусусиятлари

### **Дастурнинг инфор­мацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий интерфаол методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиа­таълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологиялари ва замонавий компьютер технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Кучкаров Д.Ж., Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Уч.пос.-Т.:Мир экономики и права. 2005, стр-138.
2. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005, 248 бет.
3. Хайдаров М., Сувонқулов А., Сугирбаев Б., Нурматов Б. “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими”. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”.2010й.
4. Кўчқоров Т., Хайдаров М. “Давлат бюджети ғазна ижросининг ахборот тизими”. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”.2010й.
5. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008. -372 бет.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

6. Давлат бюджетининг ғазна ижроси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. - Т.: "KO'Ni-NUR", 2006. - 257 с
7. Вахабов А.В., Срождиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. Т. “Иқтисод-молия”, 2006, стр-625.
8. Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005, 264бет.
9. Годин А.М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник.- 2-е изд. испр. и доп. - Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2006., стр-458
10. Акперов И.Г. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации: Учебное пособие / И.А.Коноплева, С.П.Головач. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 352стр.
11. Маликов Т, Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати. - Т.: Академия. 2011. 264бет.
12. Бурхонов У. Давлат хариди. «infoCOM.UZ». Тошкент-2010.
13. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий таракқиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. Т.: “O'zbekiston” НМИУ, 2011.
14. Интернет сайтлари:  
[www.mf.uz](http://www.mf.uz)  
[www.gov.uz](http://www.gov.uz)  
[www.lex.uz](http://www.lex.uz)  
[www.stat.uz](http://www.stat.uz)  
[www.budget.ru](http://www.budget.ru)  
[www.undp.uz](http://www.undp.uz)  
[www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz)



